

ОШУРО КУНИ ВА МУСИБАТЛАРДА ИСЛОМ ОДОБЛАРИ

«Хусайн разияллоҳу анхунинг шаҳид қилиниши» китобидан
иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي]



Доктор Али Мұхаммад ас-Саллабий



Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший
Мұхаррир: Абу Мұхаммад Али Бухорий

يُوْم عَاشُورَا وآدَابُ الْإِسْلَامِ فِي الْمَصَائِبِ

مقالة مقتبسة من كتاب "استشهاد الحسين رضي الله عنه بين الحقائق والأوهام"

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



الدَّكْتُورُ عَلَيْهِ الْحَمْدُ الصَّلَابِيُّ

٤٣٩

تَرْجِمَةً: أَبُو عَبْدِ اللَّهِ الشَّاشِيِّ

مَرَاجِعَةً: أَبُو مُحَمَّدٍ عَلَيْهِ الْبَخَارِيِّ

Ошуро куни

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Ошуро куни Мұхаррам ойининг ўнинчи куни бўлиб, бу кунда ўта хунук бидъатлар ўйлаб топилган ва ушбу кун масаласида чўқур кетган ва бепарволик қилган икки тоифа инсонлар ҳалокатга гирифтор бўлдилар. Бу тоифалардан бири бу кунни хурсандчилик ва шодлик куни қилиб олган бўлса, наригилари қайгу ва мотам кунига айлантириб олдилар¹.

Шиъя тоифаси Ҳусайн разияллоҳу анхунинг қатл қилиниши воқеаси борасида ҳаддан ташқари ғулув кетдилар ва унинг шаҳид қилиниш куни бўлган Мұхаррам ойининг ўнинчи кунини то бугунги кунимизга қадар ҳар йили такрорланиб турадиган мотам, қайгу ва фарёд солиб йиғлаш куни қилиб олдилар ҳамда бу амаллари учун ажру савоб ҳам тайин қилиб олдилар. Уларнинг даъволарича, бу амал раҳмат ва мағфиратга сабаб бўлувчи ҳамда гуноҳ ва хатоларни каффорат қилувчиидир².

Тусий ўзининг “Амолий” номли китобида ўзининг санади билан Ризо алайҳиссаломдан ривоят қилди, у шундай деди: “Ким Ашуро кунини деб ўз эҳтиёжлари учун югуриб-елишни тарк этса, Оллоҳ унинг дунё-ю охират эҳтиёжларини бароридан келтиради. Ким Ошуро кунини мусибат, қайгу ва дод-фарёд солиб йиғлаш куни қилса,

¹ Сулаймон Ас-Сухаймий “Байрамлар ва уларнинг мусулмонларга таъсири” (261-бет).

² “Ал-акийдату фи ахлил-байт байнал-ифрот ват-тафррит” (490-с.).

Оллоҳ азза ва жалла унга қиёмат кунини шоду хуррамлик куни қиласи ва жаннатларда биз билан кўзлари қувнайди”³.

Яна Тусий ўзининг санади билан Абу Аммора Куфийдан ривоят қилди, у деди: Жаъфар ибн Муҳаммад алайҳиссаломдан шундай деганини эшитдим: “Ким бизнинг тўкилган қонимиз учун, ёки бизнинг ҳаққимиз тортиб олингани учун, ёки бизнинг ё тарафдорларимизнинг орномуси тўкилгани учун кўз ёш тўкса, Оллоҳ таоло бу сабабли унга жаннатда улкан неъматлар ҳозирлади”⁴.

Барфий ўзининг санади билан Жаъфар ас-Содикдан ривоят қилди, у деди: “Унинг ёнида Ҳусайн гапирилганда кўзларидан чивиннинг қанотичалик кўз ёш чиққан кишини гуноҳлари денгизнинг кўпикларичалик бўлса ҳам мағфират қилинади”⁵.

Мажлисий ўзининг китобида бир бўлим ажратиб, уни Ҳусайннинг ва қолган имомларнинг мусибатлари учун ийғлашнинг савоби деб номлади. Бу бўлимда Ошуро кунида йиғлаш ва мотам тутиш одоби ҳакида сўз юритиб, унга доир ўттиз учдан ортиқ ривоят келтирди. Жумладан, ўзининг санади билан Абу Абдуллоҳ алайҳиссаломдан ривоят қилди, у деди: “(Ўликлар учун) ҳасрат-надомат қилиб йиғлашнинг ҳаммаси макруҳdir. Фақат Ҳусайн алайҳиссалом учун ҳасрат-надомат қилиб йиғлаш бундан мустасно”⁶.

Улар ҳатто осмону Ер ҳам фаришталар, жинлар ва қолган маҳлукотлар йиғлагани каби Ҳусайннинг ўлдири-

³ Тусий “Амолий” (194-с.); “Ал-биҳорул анвор” (44/284).

⁴ “Амолий ал-Муфид” (112-с.); “Ал-биҳор” (44/279).

⁵ “Маҳосин” (36-с.); “Ал-биҳор” (44/289).

⁶ “Ал-биҳор” (44/280).

лиши сабабли йиглади, осмондан қон ёғди ва тупроқ қонга беланди, деб даъво қилдилар⁷.

Улар бу билан ҳам кифояланмадилар, айтдиларки: Ошуро куни рўза тутиш ҳаром бўлган кундир. Ким бу кунда рўза тутса, Ҳусайн ва Аҳли Байт разияллоҳу анхўмга душмандир⁸.

Кулайний ўзининг санади билан Жаъфар ибн Ийсадан ривоят қилди, у деди: Ризо алайҳиссаломдан Ошуро куни рўза тутиш ва одамларнинг бу кун тўғрисида айтиаётган гаплари ҳакида сўрадим, шунда айтди: “Мендан Ибн Маржонанинг рўзаси ҳакида сўрадинг. У кун Зиёд оиласи Ҳусайн алайҳиссаломнинг ўлдирилиши муносабати билан одамларни рўза тутишга чақирган кундир. Ва у кун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласининг ҳамда бутун Ислом аҳлининг баҳтсизлик куни деб эътибор қилган кунидир. Шу сабаб у кун улуғланмайди ва рўза ҳам тутилмайди. Душанба куни ҳам машъум кун бўлиб, Оллоҳ азза ва жалла бу кунда Пайғамбарининг жонини олди ва Муҳаммад оиласига фақат душунба куни мусибатлар келди. Шу сабабли биз бу кунни баҳтсизлик куни деб эътибор қиласиз, Ибн Маржона эса, бу кунни улуғлади. Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласи шумланган бу икки кунда (Ошуро ва душанба кунида) рўза тутса, ёки уни улуғласа, Оллоҳ табарока ва таолога қалби бузилган ҳолда йўлиқади ва бу икки кунда рўза тутишни суннат қилиб олган ва бу кунларни улуғлаган кимсалар билан маҳшарда бирга бўлади”⁹.

Юкоридагилар каби бу мавзудаги ёлғон-яшиқ, тўқима ривоятлар тўлиб тошиб ётибди.

⁷ “Ал-бихор” (44/285-286).

⁸ “Ал-акийдату фи аҳлил-байт байнал-ифрот ват-тафріт” (492-с.).

⁹ “Ал-Кофи” (4/146); “Ал-Истибсор” (2/35); “Ал-бихор” (45/59).

Бу кунда мотам тутиш шиъалар кучга кирганды, ёки салтанат бошига келганды яқын намоён бўлди. Мана 352 хижрий (963 милодий)да шиъалардан бўлган Бани Бувайҳ давлатида подшоҳ Муиззуддавла бин Бабавайҳ Бағдод халқига Ошуро куни Ҳусайн разияллоҳу анху учун фарёд солиб йиғлашни мажбурий қилди ва бозорларни ёпишга буюрди ва ошхоналарда овқат пишириш таъқиқланди. Шиъадан бўлган хотинлар қўчаларга чиқиб, юзларини тимдалаб, шапатилаб, соchlарини юлиб дод-фарёдлар солдилар, марсиялар айтдилар ва одамларни ҳам шундай қилишга мажбурладилар. Бу дастлабки очикчасига қилинган расмий мотам бўлганди¹⁰.

Шунингдек, Фотимиј Убайдийя давлати ҳам бир қанча байрам ва маросимлар қатори Ошуро кунини ғам-қайғу ва дод-фарёд қилиш куни қилиб олишди. Бу кунда бозорларни ёпдилар, марсия айтувчилар қўчаларга чиқиб марсиялар айтдилар. Бу кунда халифа юзини ёпиб, маҳзунлигини кўрсатиб ўтиради. Худди шунингдек, қозилар, даъватчи-лар, аёнлар-у амирлар ҳам бош яланг ва оёқ яланг бўлиб, юзларини ёпиб қайгуларини изҳор қилиб ўтиришарди. Шоирлар эса аҳли байт ҳақида шеърлар, нашидлар ва марсиялар айтишар, Ҳусайн разияллоҳу анхунинг қатл қилиниши тўғрисида қисса ва ривоятлар айтиб ўтиришар эдилар¹¹.

Бу кунлардаги уларнинг намойишларидан, мотамчилар кўча-кўйларда юзлари ва кўқсларига уриб намойиш қилишар ва то қон оққунича елкаларига занжир ва темирлар билан уришарди¹².

¹⁰ Захабий “Ал-Ибар” (2/89); “Ал-Бидоя ван-ниҳоя” (11/577).

¹¹ Макризий “Ал-Хутот” (1/431).

¹² “Ал-акийдату фи аҳлил-байт байнал-ифрот ват-тафрит” (494-с.).

Ибн Касир 400 хижрий (1009 милодий) йил атрофларида Бани Бувайх давлатида шиъаларнинг Қуръон ва Суннат ҳудудларини поймол қилиб, қилган ишларини айтаркан, шундай дейди: Ошуро куни Бағдод ва бошқа шахарларда дўмбиralар чалиниб кутиб олинарди. Кўчакўйлар ва бозорларга кул ва қум сепилар, дўконларга қанорлар осилар ва одамлар дод-фарёд қилиб қайгуларини изҳор қилишарди. Кўпчилик одамлар Ҳусайн чанқоқ ҳолда қатл қилинган дея, у чеккан азобни татиш учун бу кунни сув ичмасдан ўтказишарди. Аёллар юзлари очиқ, оёқ яланг ҳолда юзлари-ю кўксларига уриб, дод-фарёд қилиб кўчаларда юришарди. Хуллас ақл бовар қилмайдиган хунук бидъатлар ва ярамас қилиқлар-у ахлоқсизликларни қилишар ва бу билан Бани Умайя давлатига эътиrozларини намоён қилишарди. Чунки Ҳусайн разияллоҳу анху Бани Умайя даврида қатл қилинган эди¹³.

Шиъа олимлари Мұхаррамнинг ўнинчи куни, яъни Ошуро кунидаги мотам маросимларини қилишни жоиз деб билдилар. Шиъа олими Мұхаммад Ҳусайн Ғаровий Ноиний бу хақида сўралган саволга қўйидагича жавоб берган:

1. Ошуро куни мотам маросимларига чиқиши, кўчакўйларда намойишлар қилишнинг жоизлиги ва қувватлиги хақида хеч шубҳа йўқ. Чунки мазлумнинг таъзияси фақат мана шунга ўхшаган маросимлар билан кўрсатилади. Шунингдек, бу Ҳусайнний даъватини узок ва яқиндаги барча одамларга етказишнинг энг осон ва қулай йўллари-данadir.

2. Шу билан бирга ёқа йиртиб, юзга ва кўксга қизаргунича ва кўкаргунича уришнинг жоизлигига бирон муаммо йўқ. Ҳатто елка ва сиртга мазкур тарзда зинжирлар билан уришнинг жоизлиги қувватлироқдир. Озрок қонагу-

¹³ “Ал-бидоя ван-ниҳоя” (11/577).

нича занжир билан уриш ва қўл билан шапатилаш янада кувватлироқдир. Қилич ва ханжар каби кесувчи жисмлар билан қон чиқаришга келсак, агар таҳликали зарари бўлмаса, жоизлиги ўта қувватлидир.

3. Таъзияни, йиглаш ва йиглатишни саклаб қолиши мақсадида асрлар бўйи Имомийя шиъаларининг одатларига айланган қиёфаларини ўзгаририб томоша кўрсатишлари, гарчи бунда эркаклар аёлларнинг кийимларини кийишни ўз ичига олса ҳам кучли қавлга кўра жоиздир. Бу фатво шиъалар назарида бугунги кунда ҳам маълум ва уларда бунга ижмоъ бордир. Ҳатто уларнинг ўн иккidan ортиқ олимлари буни тасдиклагандир¹⁴.

Носируддин Шоҳ бу намойишлар ҳақида шундай дейди: “Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Ироқда мотам кийимлари кийилади. Эркаклар кўчаларга ялонгоч холда чиқиб, бир тахтиравон ортидан юришади. Тахтиравонни ҳатто бир неча метрга етадиган қилиб жуда баландга кўтариадилар ва кўлларида учидаги ўткир кичик тифи бор темир занжирлар билан кўкракларига ва сиртларига қон оққунича уришади. Кўпинча улардан баъзилари ўлади ҳам. Аёллар эса ҳовлиларида ўтириб олиб, дод-фарёд солиб, кўкракларига кўллари билан уриб йиграйдилар. Буларнинг бари уларнинг тушунчаларига кўра мазлум холда ўлдирилган Ҳусайнни улуғлаш учун қилинади”¹⁵.

Сайийд Муҳсин Ҳусайнний Омилий бу мотам ҳақида шундай дейди: “Биз Ҳусайннинг ўлдирилгани учун овоз чиқариб ёки чиқармай кўз ёш қилиб йиглаб, бунга сабаб бўлган нарсаларни жонли тутиб, қайғу-alamни, афсус-надоматни кўрсатиб мотам тутишни истаймиз. Одамларни

¹⁴ Шайх Муртазо Иёд “Макталул-Ҳусайн ва фатавал-уламаил аълам фи ташжиъиш-шАОИР” (12-40 с.); “Ал-акидату фи ахлил-байт” (495 с.).

¹⁵ “Шиъа ақидаси” (135 с.).

ҳаёжонлантириб, маҳзун қилиш ва йиғлатиш учун мусибатни эслатадиган марсиялар, шеърлар ўқишини хоҳтаймиз”¹⁶.

Улар бу билан ҳам кифояланмадилар, Хумайний айтади: “Шаҳидлар саййиди алайхиссалом учун йиғлаш ва Ҳусайнийя мажлисларини қилиш, Исломнинг 14 аср давом эттирган удумидир”¹⁷.

Йиғлаш қачондан бери даъват услуби бўлди?! Қачонда бери оҳ-воҳ жиҳод бўлди?! Буларнинг бари Имомийя шиъаларининг эътиқодидир.

Хўш, бу ишлар Ислом динида борми ўзи?

Ҳусайн разияллоҳу анхунинг ўша мазкур ишларга умуман алоқаси йўқ, покдир. Чунки унинг бобоси — Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган Ислом дини бу ишларни жоиз кўрмайди. Мана Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

“Яноқларига шапатилаб, ёқасини йиртиб, жоҳилият ишларига чорлаганлар биздан эмас”¹⁸.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Дод-вой солиб йиғловчи аёл агар ўлмасидан олдин тавба қилмаса, қиёмат кунида қатрон¹⁹дан кўйлак ва қора кўтирдан совут кийган ҳолда турғазилади”²⁰.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Мен мусибат чоғида дод-вой солиб бақирадиган,

¹⁶ “Иқнаъил-лаим ала иқоматил-маотим” (2-с.).

¹⁷ “Ақидату ахлис-суннати фи ахлил-байт” (496-с.).

¹⁸ Бухорий (1294).

¹⁹ Эритилган қайноқ мис.

²⁰ Муслим (934).

соchlарини қирдириб олдирадиган ва ёқаларини йиртадиган аёллардан покман”²¹.

Шиъалар мотам тутиш, юзга уриб, дод-вой солиб фарёд қилиш, қора лиbos кийиш, занжирлар билан ўзларини уриш ва бошқа ишларни Ҳусайннийя маросимлари номи остида қиласилар ва уларнинг уламолари ва улуғлари буни жоиз деб фатво беришади, холбуки бу ишлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилларида ва ахли байт имомларининг сўзларида ҳаромлиги айтилган ва булар шиъаларнинг қадимги ва ҳозирги кундаги манбаларида мавжуддир. Шунингдек, шиъаларнинг ўн икки имомлик имомийя мазҳабининг таникли олимлари ва шайхлари бу ишларнинг ҳаромлигини эътироф қиласилар²².

Мана шиъалар ас-Содуқ (ўта ишончли) деб лақаб қўйган Мухаммад ибн Ҳусайн ибн Алий ибн Бобавайҳ Қаммий айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ундан олдинга ўтиб кетилмайдиган сўзларидан бири: “Дод-вой солиб йиғлаш жоҳилият амалидандир”, деган сўзидир²³.

Муҳаммад Боқир Мажлисий шу лафз билан ривоят қилди: “Дод-вой солиб йиғлаш жоҳилият амалидир”²⁴. Демак, шиъалар авлоддан авлодга давом эттириб келаётган дод-вой солиб йиғлаш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар бериганлари каби жоҳилият амалларидан экан²⁵.

Шиъаларни Ҳусайннийя маросимларидан қайтарувчи ривоятлардан, мўминлар амири Алий разияллоҳу анхунинг

²¹ Муслим (167).

²² “Ман қотала ҳусайн” (73-с.).

²³ “Ман ла ахдурухул факих” (4/271-272).

²⁴ “Биҳорул анвор” (82/103).

²⁵ “Ман қотала ҳусайн” (73-с.).

қүйидаги сўзларидир: “Бир ўлкага султон бўлсанг, ўликлар учун дод-вой солиб йиглашдан ҳазир бўл!”²⁶

Яна унинг сўзларидан: “Жоҳилият ишларидан уч нарса борки, то қиёмат одамлар уларни қилишда давом этадилар: юлдузлардан ёмғир сўраш, насабларга таъна қилиш ва ўликлар учун дод-вой солиб йиглаш”²⁷.

Имом Бокирнинг сўзларида келган далиллардан: “Сабрсизликнинг энг ашаддий кўриниши — ўзига ўлим тилаб бақир-чақир қилиш, оҳ-вой қилиш, юзга ва кўкракка уриб, сочини юлишдир. Ким дод-вой солиб йигласа, сабр қилмаган ва сабр қилишдан бошқа йўлни тутган кишидир”²⁸.

Бошларига ханжар ва қилич билан уриб, қон оқизишни инкор қилиб шайх Ҳасан Муғнийя шундай дейди: “Бошларга ханжар ва қилич билан уриб, қон оқизишнинг Исломда бирон насибаси йўқ ва бу ҳақда бирорта очик далил келмаган. Лекин у, Карбало фожеасини эслатиб бегуноҳ конларни оқизиш билан мўминларни жумбишга келтирадиган бир туйғудир”²⁹.

Бу ишлар мункар ва хунук бидъатлардан эканида ҳеч шак-шубҳа йўқдир³⁰.

Хусайн разияллоҳу анхунинг ўлдирилиши катта мусибат, албаттат. Лекин Ислом дини бизга мусибатлардаги одобларини ўргатди.

²⁶ Нурий “Мустадрак ал-васайл” (1/44).

²⁷ “Бихорул анвор” (82/101).

²⁸ Кулайний “ал-Кофий” (3/22-223).

²⁹ “Одобул манабир” (182 с.).

³⁰ “Ман қотала хусайн” (83-с.).

Мусибатлардаги ислом одоблари:

1. Мусибатта сабр қилиш:

Мүмин киши бошига тушган мусибатта сабр қиласы, бу мусибат келгандагы энг катта одоблардан биридей. Ичдан ёмон күриб, дарғазаб бўлишдан қалбни, шикоят қилишдан тилни ва ёноқларга уриб, ёқа йиртиб, соч юлиб, жоҳилияят даъволарига чорлашдан аъзоларини тийиш мана шу сабр жумласидандир. Сабр қилиш мусибат хабарини биринчи марта эшитган маҳал бўлиши лозимки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Албатта сабр, илк зарба маҳали кўрсатилган сабрдир”³¹.

2. Бошга тушган мусибат сабабли савоб умид қилиши:

Мусибатга сабр қилишда Оллоҳ таолодан ажру мукофот кутиш лозим. Оллоҳ ваъда қилган ажр ва савобларни истаб ва Оллоҳ сабрга буюрган деб сабр қилинади. Оллоҳ азза ва жалла шундай деди: “**Ва ўзингга етган балоларга сабр қил! Албатта, мана шу ишларнинг мақсадга мувоғигидир**” (Луқмон, 17).

Ўзига энг қадрли нарсани ёки кишини йўқотганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуидаги сўзларини хотирлайди: “Оллоҳ таоло айтади: Мүмин бандамнинг дунё аҳлидан (жонидан ортиқ кўрган фарзанди ёки отаси ёки бошқа) энг қадрли яқинининг жонини олсам, у савоб умидида сабр қилса, унинг хузуримдаги мукофоти факат жаннатдир”³².

Оллоҳ таоло бошига тушган мусибатларга сабр қилганларга мана шундай улкан ажрлар ваъда қилган, лекин битта шарт билан, у ҳам бўлса, Оллоҳ таолонинг

³¹ Бухорий (1283).

³² Бухорий (4624).

розилиги учун сабр қилса, бу ажрларга эришади. Оллох таоло айтадики: “**Улар Раббилиарининг Юзини кўзлаб (мусибатларга) сабр-тоқат қиласидиган зотлардир**” (Рум, 22).

Шундай экан, Оллох таоло учунгина сабр қилиш керак, ноиложлиқдан эмас. Ҳатто Оллоҳнинг ҳукмига рози бўлиб, бўйсуниб сабр қилиш даркор³³.

3. Истиржо ва мусибат дуосини айтиш:

Мусибат келганда мўмин киши: “Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун. Аллоҳумаъжурний фи мусибати, ва ахлифлий хойрон минҳо”, дейди. Маъноси: “Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтувчилармиз. Эй Оллоҳ, мана шу мусибатимда менга ажру мукофот бер ва мен учун ундан яхшироқ бўлган нарсани эваз қил.

Оллоҳ азза ва жалла деди: “**Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг. Ана ўшаларга Раббилиари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир**” (Бакара, 155-157).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Қайси бир мусулмонга мусибат келганда Оллоҳ буюрган нарсани айтса: “Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтувчилармиз. Эй Оллоҳ, мана шу мусибатимда менга ажру мукофот бер ва мен учун ундан яхшироқ бўлган нарсани эваз қил, деса, муҳаққак Оллоҳ унга ундан яхшироқ бўлган нарсани эваз қиласиди”³⁴. Умму

³³ Абдулазиз Фатхий “Мавсұйтул-одобил-исламий” (2/786).

³⁴ Муслим (918).

Салама айтади: (Эрим) Абу Салама ўлганда, ким ҳам Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнига биринчи ҳижрат қилган Абу Саламадан кўра яхшиrok бўларди? — дедим. Сўнгра шу дуони айтдим. Шунда Оллоҳ менга Расууллоҳни эваз қилди³⁵.

Шунингдек, “Аллоҳу робби, лаа шарийка лах”, дейди. Маъноси: “Оллоҳ Раббим, Унинг шериги йўқдир”. Ана шунда Оллоҳнинг изни билан ундан мусибат ва балолар кушойиш бўлади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Кимга бир ўй, ғам, касаллик ёки қийинчилик етса ва у: Оллоҳ Раббим, Унинг шериги йўқдир, деса, Оллоҳ унинг мусибатини кўтаради”³⁶.

Яна қайгу, ғамгинлиқда ўқиладиган дуони айтади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Қайғуга тушган кишининг дуолари: Аллоҳумма роҳматика аржу, фалаа такилний ила нафсий торфата айн, ва аслиҳ лий шаъний куллаҳу, лаа илаҳа иллаа анта”, маъноси: “Эй Аллоҳим, раҳматингдан умидворман. Мени бирон лаҳза ҳам ўзимга топшириб қўйма. Менинг бутун шаънимни ишларимни ўнгла. Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ”³⁷.

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган қўйидаги дуони айтади. Агар бир иш Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ташвишга солса, “Я хайю, я қойому, бироҳматика астагису”, дер эдилар. Маъноси: “Эй Ҳай-Барҳаёт, эй Қойюм Зот, Сенинг раҳматинг билан ёрдам-мадад сўрайман”³⁸.

³⁵ Мұслим (918).

³⁶ Саҳиҳ ал-Жомиъ (6040).

³⁷ Абу Довуд (5090), Саҳиҳ ал-Домиъ (3388).

³⁸ Термизий (3524).

4. Оллоҳни ғазаблантирадиган ҳамма нарсадан узоқ бўлиш:

Оллоҳни ғазаблантирадиган нарсалар сўзда ёмонликни жаҳрий айтиш жинсидан ҳисобланади. Юзга уриш, ёқа йиртиш, сочни қириб олдириш, дод-вой солиб йиғлаш, одамларга шикоят қилиш, ўлимини ва ҳалокатини сўраш каби ишларнинг бари Оллоҳ таолони ғазаблантирадиган нарсалар бўлиб, мусибатларга сабр қилишга ва Оллоҳнинг қадарига рози бўлишга зид ишлардир³⁹.

5. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотини эслаб, ўзидағи мусибатни енгиллатмоқ:

У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этишлари ва осмондан ваҳий келишининг узилиб қолиши ҳам умматга, ҳам ҳар бир мусулмонга келган энг катта мусибатdir. Мусибатланган киши Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этишлари сабабли дучор бўлган энг катта мусибатни эсласа, бошига тушган мусибат енгиллашади. Зеро катта мусибат фақат ундан ҳам каттароқ мусибатни кўриш билангина енгиллашади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Сизлардан бирортангизга мусибат етса, мен сабабли кўрган мусибатини эсласин, чунки у мусибатларнинг энг каттасидир”⁴⁰.

6. Мусибатдаги неъматни кўрмок:

Мусибат келганда мусулмоннинг одобидан бири ундаги Оллоҳ таолонинг неъмати кўра олишидир. Ҳусайн разияллоҳу анхүнинг катл қилиниши мудҳиш, ўта манфур иш бўлган бўлса ҳам, унинг (Ҳусайннинг) ўзига нисбатан

³⁹ “Мавсұйтул-одобил-исламийя” (2/788).

⁴⁰ Байҳақий “Шуабул-иймон” (10152), Саҳиҳул-жомиъ (347).

бу нарса яхшилик ва сийловдир. Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: Ҳусайн ибн Алий разияллоҳу анҳумо Ошуро кунида золим, тажовузкор тоифа тарафидан ўлдирилганда Оллоҳ таоло Аҳли Байтдан шаҳодат билан иқром қилганлари каби Ҳусайнга ҳам шаҳодатни насиб қилди. Оллоҳ Аҳли Байтдан Ҳамза, Жаъфар, унинг (Ҳусайннинг) отаси Алий ва бошқаларга шаҳодат неъматини берган эди. Ҳусайннинг шаҳид бўлиши сабабли Оллоҳ унинг марта-басини кўтарди ва даражасини юксалтириди. У ва акаси Ҳасан жаннат аҳли йигитларининг саййидлари ва ҳеч ким етолмайдиган олий манзиллардадирлар. Бу манзилларга фақат ўшандай балоларга дучор бўлиб шаҳид бўлганларгина эришиши мумкин. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан “Одамларнинг қайсилари энг қаттиқ балоларга гирифтор бўладилар?” — деб сўрашди. Шунда дедилар: “Пайғамбарлар, сўнгра солиҳ инсонлар, сўнгра уларга яқин бўлганлар, сўнгра уларга яқин бўлганлар. Киши динига яраша балога гирифтор бўлади. Агар динида мустаҳкам бўлса, (бериладиган) бало-мусибат зиёда қилинади. Агар динида бўш бўлса, (бериладиган) бало-мусибат енгиллатилади. Мўмин кишига бало-мусибатлар келаверади, ҳатто у ер юзида хатолардан холи бўлган холда юради(ган даражада гуноҳлардан покланади)”⁴¹.

Ҳасан ва Ҳусайнларга Оллоҳ таоло тарафидан олий мартабалар берилди. Ҳолбуки, ўзларидан олдин ўтган покиза аждодига (ота ва боболарига) етган мусибат уларга етмаганди. Чунки бу иккиси Ислом азизлигида дунёга келди ва иззат ва икромда тарбия кўрдилар, улғайдилар. Мусулмонлар уларни улуғлаб, иззат-икром қилдилар. (Боболари) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида улар ҳали тамийиз ёши (7 ёш)га ҳам етмаганди. Оллоҳнинг уларга берган неъмати уларни Аҳли Байтдан

⁴¹ Термизий (2398), ҳасан сахих.

бўлган улардан кўра афзал кишиларни балолантиргани каби мусибатлантирганидир. Мана Алий ибн Абу Толиб у иккисидан (яъни, ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайндан) афзал эди, у ҳам шаҳид қилинди⁴².

7. Қазои-қадарни эсламоқ:

Мусулмон киши қачон бу мусибатлар азалдан ёзилган, тақдир қилинган эканига қатъий ишонса, қачон Оллоҳ тақдир қилган барча нарса албатта содир бўлишини ва Оллоҳ таоло бу мусибатларни тақдирига битганлигини ақлига келтирса, бу мусибатлар унга енгиллашади.

Оллоҳ таоло деди: “**На ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавхул-Маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Оллоҳга осондир. Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагай-сизлар ва (Оллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (хаволаниб) кетмагайсизлар. Оллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни сўймас**” (Хадид, 22-23).

8. Шиъаларнинг Ошуро кунида қиласиган ишлари ҳақида Ибн Таймия ва Ибн Қасирнинг фикрлари:

Ибн Таймия айтади: Ҳусайн разияллоҳу анхунинг қатл қилиниши сабаб шайтон инсонларга иккита бидъатни ўргатди. Бири, Ошуро куни юзга шапатилаш, оҳ-вой солиб фарёд қилиш, сув ичмаслик, марсиялар ўқиш каби ишларни қилиб, маҳзун бўлиш ва дод-вой солиб йиглаш бидъатидир. Камига бу тоифа салафи солиҳни сўкиб, уларга лаънатлар айтишгача, бегуноҳ кишиларни гуноҳкор қилиб, ҳатто илк

⁴² Фатаво (25/162).

мусулмон бўлган саҳобаларни сўкишгача бордилар. Улар айтаётган қиссалар ва хабарларнинг аксарияти ёлғондир. Уларнинг бундан кўзлаган мақсадлари умматни парчалаш ва фитна эшигини очишdir.

Бу каби мотам тутишлар мусулмонларнинг иттифоқига биноан вожиб ҳам, мустаҳаб ҳам эмас, балки ўтмишдаги мусибат учун дод-вой солиб йиғлаш, бетоқатлик қилиш Оллоҳ ва Расули ҳаром қилган ишларнинг энг каттасидир⁴³.

Оллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган нарса, мусибат янги бўлса, сабр қилиш, савоб умид қилиш ва истиржо айтишdir. Оллоҳ таоло мусибат янги бўлса сабр ва савоб умид қилишга буюрган экан, энди узун замон ўтгандан кейин қандай бўлиши мумкин?!

Шайтоннинг гумроҳ ва залолат ахлига зийнатли қилиб кўрсатган нарсаларидан бири, Ошуро кунини мотам куни қилиб олишлари ва унда надомат қилиб, оҳ-вой солиб йиғлашларидир. Улар ўша кунда ғам-ғуссали қасидаларни куйладилар, ростидан кўра ёлғони кўп бўлган турли фасод хабарларни ривоят қиласидилар. Бу хабарларнинг ичida рости бўлса, у ҳам факат қайгу ва мутаассибликни янгилаш учун, адоват ва низони пайдо қилиш учун ва Ислом аҳли ўртасига фитна уруғларни сочиш учунгина хизмат қиласидилар. Ва улар бундай хабарларни ўтмишда ўтган кишиларни — илк мусулмон бўлган саҳобаларни сўкиш ва ҳақоратлаш учун ва ер юзида фитна ва ёлғоннинг урчиши учун восита қиласидилар⁴⁴.

Ибн Касир айтади: Ҳар бир мусулмон киши Ҳусайн разияллоҳу анхунинг қатл қилиниш вақеасидан хафа бўлиши керак. Чунки у мусулмонларнинг саййидларидан ва саҳобаларнинг олимларидан ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу

⁴³ Минхажус-сунна (4/554).

⁴⁴ Фатаво (25/165-166).

алайҳи ва саллам қизларининг ўғли эди. Ва бу қизлари (Фотима) қизларининг ичидаги фазилатлисидир. Ҳусайн разияллоҳу анху обид, довюрак, серсаҳоват киши эди. Шундай бўлса-да шиъалар қайғуга тушиб, бетоқатликларини изҳор қилишлари билан яхши иш қилмадилар, буларнинг аксарияти риёб бўлса керак, чунки унинг отаси (Алий разияллоҳу анху) Ҳусайндан афзал эди, лекин улар унинг ўлдирилиш кунини Ҳусайннинг ўлдирилиш кунини мотам қилиб олганларидек мотам куни қилиб олмадиларку! Отаси Алий 40 хижрийда Рамазон ойининг ўн еттингчиси жума куни бомдод намозга чиқаркан қатл қилинганди.

Шунингдек, аҳли суннат ва жамоат назарида Алийдан афзал ҳисобланган Усмон разияллоҳу анху ҳам 36 хижрийда Зул-хижжжа ойининг ташриқ кунларида уйида қуршовга олинниб, қатл қилинди. У шоҳ томирлари кесилиб, бўғизланиб шаҳид қилинди. Лекин шунга қарамай, унинг ўлдирилиши мотам куни қилиб олинмади!

Шунингдек, Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анху. У Усмон ва Алий разияллоҳу анхумодан афзалдир. Мехробда бомдод намозида Куръон ўқиб турган ҳолида шаҳид қилинди. Лекин одамлар унинг ўлдирилишини мотам куни қилиб олмадилар!

Шунингдек, Абу Бақр Сиддик Умардан афзал эди, лекин одамлар унинг вафот этган кунни мотам куни қилиб олмадилар!

Расууллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунё-ю Охиратда одам фарзандининг саййидидилар. Ундан олдинги пайғамбарлар вафот этгандай, у зот ҳам вафот этдилар, лекин бирон киши у зотнинг ўлган кунларини анави Роғизадан бўлган жоҳиллар Ҳусайннинг қатл қилинганди кунини мотам куни қилиб олганларидек мотам қилиб олмади!

Хусайннинг ўлдирилиши муносабати билан қуёш тутилди ва осмон қип-қизил бўлиб кетди ва шунга ўхаш гапларни на унинг ўлим куни ва на ундан олдин содир бўлганини бирон кимса айтмаган. Булар шъяларнинг даъволариdir. Бу мусибатлар ва шунга ўхаш нарсалар ҳақида айтилган нарсаларнинг энг яхиси, Хусайн ибн Алийнинг, бобоси соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадисидир⁴⁵: “Кайси бир мусулмонга бирор мусибат етган бўлса-ю, ўша мусибат эсига тушганда, гарчи узун замон ўтган бўлса ҳам, эслаганида истиржо айтар экан, муҳаққақ Оллоҳ унга мусибат етган кундаги янглиғ ажр-савоб беради”⁴⁶.

Бу ҳадиснинг изохида Ибн Таймия шундай дейди: Бу ҳадисни отаси шаҳид қилинган пайтда ёнида бўлган қизи Фотима, отаси Хусайндан ривоят қилгандир. Маълум бўлишича, Фотима отаси Хусайннинг қатл қилинган кунини доимо эслар экан. Исломнинг гўзалликларидан бири, бу суннатнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан унга етиб келганидир. Шу сабабли у ҳар сафар бу мусибатни эсалаганида (иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъун дея) истиржо айтарди. Киши ўша мудҳиш кунни эслаганда истиржо айтиши билан мусулмонларнинг бошига келган ўша мусибат кунидаги ажр-савобни олади. Лекин орадан узун замон ўтишига қарамай, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусибат замонида ман қилган ёнокларга шапитилаш, ёқа йиртиб, жоҳилият даъволарига чорлаш каби ишларни қилишнинг уқубати ўта қаттиқдир⁴⁷.

⁴⁵ Ал-бидоя ван-ниҳоя (11/579).

⁴⁶ Сунан Ибн Можа (1600), заиф ҳадис.

⁴⁷ Фатаво (4/312).

9. Ошуро кунини байрам қилиб олганлар:

Ошуро кунини Носибийлар байрам қилиб олдилар. Улар бидъатчи тоифалардан бири бўлиб, саҳобаи киромлар ҳақида бузук эътиқодга соҳибдирлар. Шайтон уларга мўминлар амири Алий разияллоҳу анхуни ёмон кўришиликни зийнатли қилиб кўрсатди ва улар уни ёмон кўриш, унга бугзу адоват қилиш ва унга умуман алоқаси бўлмаган нарсаларни у кишига тўнкашни дин қилиб олдилар. Шунингдек, уларнинг бугзу адоватлари Алий қолиб, Ахли Байтдан унинг ўғли Ҳусайн ибн Алий каби бошқаларга ҳам ўтди.

Насб дегани, Алий разияллоҳу анхуга бугзу адоват қилмоқ, уни ҳақоратламоқ ва ундан узоқлашмоқ демакдир. Кимда бу сифатлар бўлса, уни носибий деб номланган. Насб ҳам рафз кабидир. Рафз — саҳобалар разияллоҳу анхумни ёмон кўриш, уларга адоват қилиш, уларга тил узатиш демакдир. Ҳар иккала тоифа ҳам саҳобалар разияллоҳу анхумни яхши кўришнинг вожиблиги, уларнинг Исломда пешқадам эканликларини ва моллари-ю жонлари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ёнларида жиход килганликларини билишдаги Оллоҳнинг манҳажидан узок ва адашгандир⁴⁸.

Шиъалар Ошуро кунини мотам ва қайгу куни қилиб олган бўлсалар, бошқа бир тоифа эса уни байрам, хурсандчилик ва шодлик маросими қилиб олдилар. Ё Ҳусайн ва Ахли Байтга қарши мутаасиб носибийлар, ёки бузуқликни бузуқлик, ёлғонни ёлғон, ёмонликни ёмонлик, бидъатни бидъат билан қарши олган жоҳил кимсалар бу кунни байрам қилиб олдилар.

⁴⁸ “Ақидату ахлис-суннати вал-жамаати фис-соҳабатил-киром” (3/1193-1194).

Улар Ошуро куныда сурма қўядилар, соч-соқолларини бўйайдилар, камбағал бечораларга инфоқ-эҳсон қиласидилар, одатдан ташқари тансиқ таомлар пиширадилар ва шунга ўхшаш байрам ва шодиёна кунлари қилинадиган хурсандчилик ва шодликларини қиласидилар. Булар анавилларга (рофизаларга) муқобил равишда Ошуро кунини байрам ва шодиёна куни қилиб олдилар. Бу иккинчи тур бидъатдир.

Уларнинг ўз амалларини оқладиган бу ҳақдаги ёлғон ва тўқима ҳадислари бор, улар қуйидагилар:

— Кимки Ошуро кунидаги аҳли оиласига кенгчилик туғдирса, Оллоҳ у кишига йил бўйи кенгчилик қиласиди⁴⁹.

— Ошуро куни ва кечаси учун маҳсус намоз қилиб олдилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ким Ошуро куни пешин билан аср орасида 40 ракаат намоз ўқиса ва ҳар бир ракаатида Фотихатул-китобни бир марта, Оятал-курсими 10 марта, қул ҳуваллоҳу аҳадни 11 марта, муаввизатайнни 5 марта ўқиса ва саломдан кейин 70 марта истиғфор айтса, Оллоҳ унга Фирдавс жаннатида оқ гумбаз ато қиласиди”⁵⁰.

Бу кун ҳақида бундан бошқа Ислом динида асли бўлмаган, ўйлаб топилган бидъатлар талайгина⁵¹.

Иbn Таймиядан Ошуро кунидаги одамлар қилаётган ишлар: сурма қўйиш, чўмилиш, хина қўйиш, (бу кун билан табриклиш максадида) қўл бериб қўришиш, дон-дунлар пишириш ва хурсандчиликларини кўча-кўйларда кўрсатиш ҳақида сўраб, булар ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳиҳ ҳадис ворид бўлганми ёки йўқми? Агар саҳиҳ ҳадис келмаган бўлса, бу ишларни қилиш бидъат

⁴⁹ Ибнул Жавзий “ал-Мавзут” (2/203).

⁵⁰ Ибнул Жавзий “ал-Мавзут” (2/122-123).

⁵¹ Ибнул Ҳаж “Ал-мадхол” (1/290-291), “ал-Аъйад” (274-с.).

бўладими, ёки йўқми? — дедилар. У киши шундай жавоб қилдилар: Оламлар Рабби бўлган Оллоҳга ҳамд бўлсинки, бу борада на Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва на саҳобалардан сахих ҳадис келмаган ва на мусулмонларнинг имомлари ва на тўрт имом ва на бошқалар бу ишларни мустаҳаб санамаганлар. Ҳамда мўътабар китобларнинг биронтасида бу ҳақида на Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва на саҳобалардан ва на тобеинлардан на сахих ва на заиф бир ривоят келмаган. На “Сахих”ларда, на “Сунан”ларда ва на “Муснад”ларда сахих ёки заиф бирор ривоят ворид бўлмаган. Бу ҳақдаги ҳадислардан бирортаси саодат асрида бўлмаган.

Ошуро куни ҳақидаги бу бидъатлар Куфадаги икки тоифа сабабли юзага чиқди. Куфада икки тоифа бор эди, бири рофиза тоифаси бўлиб, улар Аҳли Байтга дўстликларини кўрсатишди, бироқ ичларида ё худосиз зиндиқ, ё жоҳил ва нафси ҳавосига эргашган кишилар эди. Иккинчи тоифа эса носибалар бўлиб, улар фитна сабабли содир бўлган урушни баҳона қилиб Алий разияллоҳу анху ва ҳамроҳларига бугзу адоват қилган кишилар эди⁵².

Носиба ва рофиза ўртасидаги қасдма-қасдига кетиш туфайли Ошуро кунида байрам қилишлик ўртага чиқди. Рофизалар Ошуро кунини мотам қилсалар, носибалар кенгчилик куни қиламиз дея уни байрам қилиб олдилар. Бироқ иккаласи ҳам ботилдир. Буларда ҳам бидъат ва залолат етарлича, анавиларда ҳам бидъат ва залолат етарлича⁵³.

Ким Ошуро кунини мотам, ғам-андух, дод-вой солиб йиғлаш куни қилган бўлса, ёки уни байрам, хурсандчилик ва шодлик куни қилган бўлса, динда бидъат қилган ва

⁵² Фатаво (25/161).

⁵³ “Иқтизоус-сиротил-мустақим” (2/622-623).

пайғамбарлар саййидининг суннатига мухолиф йўл тутгандир.

10. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг Ошуро кунидаги тутган йўллари:

Ошуро куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутишга буюрган фазилатли кунлар жумласидандир. Абу Қатода разияллоҳу анҳу ривоят қилган саҳих ҳадисда, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Рамазондан Рамазонгача ҳар ойдан уч кун рўза тутиш, ийл бўйи рўза тутиш демакдир. Арафа куни рўзаси ўтган ва келажак йилги гуноҳларга каффорат бўлади, деб умид қиласман. Ошуро куни рўзаси эса ўтган йилги гуноҳларга каффорат бўлади, деб умид қиласман”⁵⁴.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб деди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўза тутиш бошқа пайтлардан афзал қилинган кунларнинг хеч бирини Ошуро кунидагидек ва мана шу ой, яъни Рамазон ойдагидек астойдил излаганларини кўрмадим”⁵⁵.

Демак, Ошуро кунида рўза тутиш суннатдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кун рўза тутдилар ва юқорида зикр қилингани каби бу кунда рўза тутишнинг фазилатини хабар бердилар. Бундан ташқари бу кунда рўза тутишга буюрдилар. Бу хақда бир қанча саҳих ҳадис ворид бўлган:

— Ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинди: “Жоҳилият ахли Ошуро куни рўза тутар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, мусулмонлар ҳам Рамазон рўзаси фарз бўлишидан олдин ушбу кунда рўза

⁵⁴ Муслим (1162).

⁵⁵ Бухорий (2006) ва Муслим (1132).

тутардилар. Рамазон рўзаси фарз бўлганидан сўнг у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: Ошуро Оллоҳнинг кунларидан бир кундир, шундай эан, ким хоҳласа тутади, хоҳламаганлар тутмайди”⁵⁶.

— Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага борганларида яхудийлар Ошуро куни рўза тутаётгандарини кўриб, “Бу нима?”, деб сўрадилар. Шунда: “Бу хайрли кун бўлиб, унда Оллоҳ таоло Бани Исроилни душманларидан кутқарган. Шу сабаб Мусо ушбу кунда рўза тутган”, деб жавоб беришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен Мусога (эргашишга) сизлардан кўра ҳаклироқман”, дедилар ва бу кунда рўза тутиб, бошқаларни ҳам рўза тутишга буюрдилар”.

Яна Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб деди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнинчи — Ошуро куни рўза тутишга буюрдилар”⁵⁷.

— Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ошуро куни рўза тутдилар ва бошқаларни ҳам рўза тутишга буюрдилар. Шунда сахобалар: “Эй Расулуллоҳ, бу кунни яхудий ва насронийлар улуғлашади”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Келаси йил, иншаоллоҳ, тўққизинчи куни ҳам рўза тутамиз”, дедилар. Бироқ келаси йил келмасдан аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этдилар”. Бошқа бир ривоятда: “Агар келаси йил хаёт бўлсам, тўққизинчи кунни ҳам албатта тутаман”⁵⁸.

Яна Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

⁵⁶ Муслим (1126).

⁵⁷ Муслим (1134).

⁵⁸ Муслим (1134).

“Ошуро куни рўза тутинглар. Аммо яҳудларга хилоф ўлароқ, у кунга қўшиб ундан бир кун аввал ёки бир кун кейин ҳам рўза тутинглар”⁵⁹.

Шунга қўра уламолар Ошуро куни рўзасини учта қўринишини айтадилар:

- 1) Муҳаррамнинг 9-, 10- ва 11- кунлари рўза тутилади. “У кунга қўшиб ундан бир кун аввал ёки бир кун кейин ҳам рўза тутинглар” ҳадисига биноан.
- 2) Муҳаррамнинг 9- ва 10- кунлари рўза тутилади. “Келаси йил, иншаоллоҳ, тўққизинчи куни ҳам рўза тутамиз” ҳадисига биноан.
- 3) Фақат 10- кун, яъни Ошуро кунигина рўза тутилади. У кунда рўза тутиш таъкидланган эканига далолат қилган ҳадисларга биноан⁶⁰.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ошуро кунида тутган йўллари, суннатлари мана шундай эди. Хуноса шуки, аҳли суннат ва жамоат ўрта йўлни ушлаган умматидир. Улар чукур ҳам кетмайдилар, масалага бепарволик, беписандлик билан ҳам қарамайдилар, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларини маҳкам ушлайдилар ва Оллоҳ таолодан савоб умидида бу кунда рўза тутиш каби Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган ишларнигина қиласидилар.

⁵⁹ Байҳақий “ас-Суннан ал-кубро” (4/287).

⁶⁰ Зодул маод (2/76), Фатхул борий (4/246).

